



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «8» июль

VI-30-38-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан Бандихон ва Термиз туманлари секторлари фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш натижадорлиги бўйича Бандихон ва Термиз туманлари секторлари фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик назорат гуруҳи раҳбарларининг маърузаларини тинглаб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарорларига асосан бириктирилган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2021 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан Бандихон ва Термиз туманлари секторлари фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик назорат гуруҳи раҳбарларининг маърузалари маълумот учун қабул қилинсин.

2.Туманларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон қарорларига асосан “етарли эмас” деб топилсин.

3.Бандихон тумани сектор раҳбарлари (Ў.Чориев, З.Абдуллаев, С.Махманов, Т.Сарманов), Термиз тумани сектор раҳбарлари (Ш.Ўринов, Б.Олтибаев, М.Амантўраев, Э.Джуракулов) жорий йил 25 июлга қадар:

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” бўйича белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиласин ва ижросини қатъий назоратга олсин;

ўрганиш натижаларида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқсин.

4. Бандихон ва Термиз туманлари ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари (К.Салимов, Ш.Қаландаров), Бандликка кўмаклашиш марказлари (Ш.Саидов, М.Абдураимова), Ёшлар ишлари агентлиги туманлар бўлимлари (О.Эшпўлатов, З.Бакижанов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари (Қ.Эшмаматов, Ў.Маҳмудова), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг биринчи ўринбосарлари (И.Мамасалаева, З.Муродова):

аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастури доирасида ташкил этилган иш ўринларига ишсиз ёшларни жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

худудларда ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида “Ҳар бир ёшга бир гектар” дастури доирасида белгиланган тартибда ер ажратиш;

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳамда меҳнат қуроолларини харид қилиш учун белгиланган тартибда базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда белгиланган тартибда субсидия ажратиш;

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитиш ишларини жадаллаштирсин.

5. Бандихон туман ҳокимлиги (Ў.Чориев), Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Ўринов)га:

секторлар бўйича ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмол бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш;

иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатиш;

аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, ички имкониятлар ҳисобига янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

худуднинг экспорт имкониятларини янада кенгайтириш;

инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, секторлар кесимида режалаштирилган инвестиция лойиҳалари бажарилишини таҳлилий ўрганиш;

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва аёлларга яратиб берилётган имкониятлар тўғрисида, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш вазифалари юклансин.

6. Халқ депутатлари Бандихон тумани ҳамда Термиз тумани Кенгашларига жорий йил 25 июлга қадар худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатларнинг фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

7. Жорий йилнинг 25 июль кунига қадар Бандихон тумани (Ў.Чориев), Термиз тумани (Ш.Ўринов) ҳокимликлари мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижроси бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

8. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик назорат гуруҳи ҳамкорликда вилоятдаги секторлар фаолиятини ўрганишни йўлга қўйсин ва ўрганишлар натижаси бўйича муҳокома учун Халқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишларининг кун тартибига киритиб борсин.

9. Мазкур сессия қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

10. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.